

Сахро қоплони



20:00 / 26.06.2021 3750

Икки қабилани яраштириш, сулҳга чақирриш учун карвонда кетаётганларида ҳамроҳлардан бири қаршиларида йиртқич шер борлиги, унинг ҳамласидан қутулиш учун туялардан бирини ўлжа сифатида ташлаб кетиш кераклигини айтди.

Умар Мухтор буни рад қилдилар ва: «Кучлилар кучсизлар устидан солиқ солиши аллақачон барҳам топган бўлсаю, ҳайвонларга солиқ тўлаш нимаси? Аллоҳга қасамки, бу хорлик ва тушкунлик аломатидир. Валлоҳи, агар қаршимиздан чиқса, биз уни силоҳимиз билан даф қиламиз», дедилар. Сўнгра шер рўпараларидан чиқди. Умар Мухтор отларига миниб, шерга ўқ уздилар. Ўқ шерга теккач, ортидан қувиб бордилар, сўнгра уларга бошини олиб келиб, терисини шилиб, бошқа карвондагилар кўриши учун илиб қўйдилар. Умар Мухтор ушбу қиссани эслаганларида: «(Эй Муҳаммад

алайҳиссалом, уларга) **отган пайтингизда, сиз отмадингиз, балки Аллоҳ отди»** (Анфол сураси, 17-оят)ни ўқирдилар.

Аллоҳ «сахро қоплони» лақабини олган шайх Умар Мухторни раҳматига олсин!

Доктор Алий Муҳаммад Саллобийнинг «Умарул Мухтор, улғайиши, амалга оширган ишлари ва шаҳид бўлиши» номли китобида бу ҳақда батафсил айтиб ўтилган. Умарул Мухтор аввал куттоб (мактаб)да ёш болаларга Қуръондан дарс берганлар. Мазкур китобда айтилишича, ҳар ҳафта Қуръонни бир марта хатм қилиб, пайшанба кечаси тугатиб, шу кеча хатмига атаб дуо қилар эканлар. У киши ҳақида ишланган кинода ҳам кўп Қуръон ўқишларига урғу берилган. Ҳаётлари давомида шу даражада кўп хатм қилганларидан Аллоҳ у зотга маънавий ва моддий қувват ато қилиб қўйган экан. Мана бу воқеада ҳам ўша довюракликлари яққол кўзга ташланиб, рижоллар ҳам ҳайвондан қўрқадими, дея қўлга силоҳни олиб шерни ер тишлатдилар. Бу билан ўша вақтда сахроликларга хос бўлган шерга ўлжа бериб, унинг зиёидан қутулиш одатига барҳам бердилар.

Манба: arabic.uz